



## СУД МУҲОКАМАСИ ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРИ ВА СУДЛАР ФАОЛИЯТИГА ДОИР АХБОРОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Э.Сабилов

Мустақил изланувчи, ю.ф.ф.д. (PhD)

Суд муҳокамаси ошкоралиги одил судловнинг демократик ва ҳуқуқий хусусиятини ифодаловчи муҳим процессуал принциплардан бири ҳисобланади. Мазкур принципнинг асосий мақсади суд фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, суд ҳокимиятининг ҳисобдорлиги ва легитимлигини мустаҳкамлаш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш ҳамда фуқароларнинг судга бўлган ишончини оширишдан иборат. Шу билан бирга, ошкоралик мутлақ характерга эга бўлмай, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, давлат, тижорат ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни сақлаш каби ҳуқуқий кадриятлар билан мутаносиб равишда таъминланиши лозим.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 137-моддасида судларда ишлар очик кўрилиши белгиланган бўлиб, мазкур конституциявий қоида суд муҳокамаси ошкоралигининг умумий ҳуқуқий асосини ташкил этади. Бироқ очиклик ва ошкораликни замонавий шароитда фақат суд мажлисининг жамоатчилик учун очиклиги билан чеклаш етарли эмас. Рақамли технологияларнинг суд ишларини юритишга кенг жорий этилиши, суд қарорларининг электрон шаклда эълон қилиниши, ахборот-коммуникация воситаларининг ривожланиши суд ошкоралигининг мазмунига ҳам янгича талабларни қўймоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сонли қарорини замонавий суд-ҳуқуқ ислохотлари талаблари асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ёпиқ суд мажлисида кўрилган ишлар бўйича суд қарорларининг эълон қилиниши масаласини аниқлаштириш зарур. Хусусан, Пленум қарорининг 8-бандида ёпиқ суд мажлиси ўтказилганда ишни электрон тарзда шакллантиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Мазкур қоида суд қарорларининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши масаласи билан тўлдириш зарурати, аввало, суд муҳокамасининг ошкоралиги ва суд қарорининг ошкоралиги бир хил ҳуқуқий категория эмаслиги билан изоҳланади.

Фикримизча, суд муҳокамасининг ёпиқ ўтказилиши суд қарорининг барча мазмуни мутлақ махфий бўлиши кераклигини англатмайди. Аксинча, ёпиқ суд

мажлиси институти муайян қонуний мақсад - шахсий ҳаёт дахлсизлиги, давлат сири, тижорат сири ёки бошқа қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш учун процесснинг муайян қисмини жамоатчиликдан чеклашни назарда тутди.

Шу боис ёпиқ суд мажлиси ва суд қарорининг ошкоралиги ўртасида автоматик равишда тенглик белгисини қўйиш нотўғри. Суд муҳокамаси ёпиқ ўтказилган тақдирда ҳам, суд томонидан иш қандай ҳуқуқий асосларга кўра ҳал қилингани, суднинг якуний ҳулосаси ва қарорнинг асослантирилганлиги муайян даражада жамоатчилик учун очик бўлиши мумкин.

Бироқ бундай ҳолатда шахсий маълумотлар, сирни ташкил этувчи маълумотлар ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ахборотларни ошкор этишга йўл қўйилмаслиги керак. Шу сабабли таклиф этилаётган ўзгартиш суд қарорларини умуман эълон қилмаслик эмас, балки ёпиқ муҳокама қилинган ишлар бўйича ошкоралик ва махфийликнинг аниқ чегарасини белгилашга қаратилган бўлиши лозим.

Бунда қарорнинг ошкоралиги унинг тўлиқ матнини оммавий ахборот воситаларида тарқатиш билан эмас, балки қонун билан қўриқланадиган маълумотларни истисно қилган ҳолда, унинг мазмун-моҳияти ва ҳуқуқий асосларини жамоатчилик учун очик қилиш имконияти билан боғланиши мақсадга мувофиқ.

Шу маънода, 8-бандга таклиф этилаётган қўшимча суд қарорларининг ошкоралиги институтини аниқлаштиришга, ошкоралик ва махфийлик ўртасида мутаносиблик принципини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, суд ташаббуси билан ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш имкониятини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, Пленум қарорининг 9-бандида шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш мақсадида ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш масаласи процесс иштирокчисининг илтимосномаси билан боғланган. Бундай имкониятни суднинг ташаббусига кўра ҳам амалга оширишни назарда тутган мазкур тушунтиришни янада такомиллаштириш зарур. Бу таклиф шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва шахсий маълумотларни суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш нуқтаи назаридан асослидир. Чунки суд муҳокамаси давомида процесс иштирокчилари томонидан тақдим этилган маълумотларнинг барчаси уларнинг ўзлари томонидан олдиндан англаб олинган ва баҳоланган бўлмаслиги мумкин. Айрим ҳолларда суднинг ўзи иш материалларини кўриб чиқиш жараёнида шахсий ёки оилавий сир, тиббий, молиявий ёки бошқа ҳимоя қилиниши лозим бўлган маълумотлар ошкор этилиши мумкинлигини аниқлайди.

Бундай вазиятда суднинг фақат процесс иштирокчисининг илтимосномасини кутиши шахсий ҳаёт дахлсизлигини самарали ҳимоя қилиш имкониятини чеклаши мумкин.

Шу сабабли судга ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш масаласини ўз ташаббуси билан ҳал қилиш ваколатини бериш суднинг фаол процессуал кафолатловчи ролини кучайтиради. Бунда суднинг мазкур ваколати чекланмаган характерга эга бўлмаслиги, балки фақат қонун билан белгиланган асослар мавжуд бўлган тақдирда ва зарур даражада қўлланилиши лозим.

Бошқача айтганда, суд ташаббуси билан ёпиқ муҳокама ўтказиш ошкоралик принциpidан истисно сифатида қаралиши ва ҳар бир ҳолатда зарурат ҳамда мутаносиблик мезонлари асосида асослантирилиши керак.

Яна бир муҳим жиҳат, бу тижорат сирини суд муҳокамаси ошкоралигини чеклаш асосларига киритишдир. Олий суд Пленуми қарорининг 11-бандида давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида суд муҳокамасининг ошкоралигини чеклаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса-да, тижорат сирини муҳофаза қилиниши белгилаш алоҳида кўрсатиб ўтилмаган. Шу боис тижорат сирини ошкор этмасликни кафолатлаш суд муҳокамаси давомида муҳофаза қилиниши лозим бўлган ҳуқуқий манфаатлар доирасини аниқлаштириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий иқтисодий муносабатларда судга тақдим этиладиган ҳужжатларда корхоналарнинг молиявий ҳолати, тижорат стратегияси, шартнома шартлари, мижозлар базаси, технологик жараёнлар ва бошқа рақобатбардош ахборотлар мавжуд бўлиши мумкин. Агар бундай маълумотлар суд муҳокамасининг ошкоралиги ниқоби остида асоссиз равишда оммалаштирилса, судга мурожаат қилган шахснинг қонуний манфаатларига жиддий зарар етказилиши мумкин.

Шу сабабли тижорат сирини суд муҳокамасининг ошкоралигини чеклашнинг мустақил асосларидан бири сифатида кўрсатиш ошкоралик ва хусусий манфаатларни ҳимоя қилиш ўртасидаги мутаносибликни таъминлайди.

Айни пайтда тижорат сирининг мавжудлиги ҳар қандай ҳолатда суд муҳокамасини тўлиқ ёпиш учун асос бўлмаслиги лозим. Суд ошкораликни чеклашнинг айнан қайси қисми зарурлигини белгилаши, имкони борича чекловни минимал даражага тушириши ва ошкораликни чеклаш сабабларини асослантириши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги назарий таклифлар суд муҳокамаси ошкоралиги, суд қарорларининг очиқлиги, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва қонун билан қўриқланадиган сирларни ҳимоя қилиш ўртасида адолатли ва мутаносиб мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сонли қарорига таклиф этилаётган ўзгартишлар алоҳида-алоҳида процессуал нормаларни такомиллаштиришдан кўра кенгроқ мазмунга эга бўлиб, суд ошкоралигининг замонавий концепциясини шакллантиришга қаратилган тизимли чоралар сифатида баҳоланиши лозим.

Айниқса, суд қарорининг ошкоралигини суд мажлиси ошкоралигидан фарқли равишда мустақил ҳуқуқий кафолат сифатида англаш, ёпиқ суд муҳокамасида ҳам ошкораликнинг мумкин бўлган даражасини таъминлаш, шахсий маълумотлар ва тижорат сирини ҳимоя қилиш, суд ташаббуси билан шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш халқчил ва замонавий суд тизими сифатида ривожланишининг муҳим ҳуқуқий шартларидир.

Шу боис мазкур ўзгартишларни қабул қилиш нафақат Олий суд Пленуми қарорининг айрим қоидаларини аниқлаштириш, балки Конституцияда

белгиланган суд муҳокамаси ошкоралиги принципини замонавий мазмун билан бойитиш, ошкоралик ва махфийлик ўртасида мутаносибликни таъминлаш суд ҳокимиятининг очиқлиги ва жамоатчиликка яқинлигини таъминлаш вазифаларини амалга оширишнинг амалий ҳуқуқий механизмини шакллантириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.